

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил апрель ойининг 29 куни, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очиқ сайёр суд мажлиси Самарқанд вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБга бевосита бўйсунувчи ВСХ биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Раупов, судья ёрдамчиси З.Хазрақуловнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Мустафоқулов, судланувчи Т.Усаров ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “Qomus” адвокатлар ҳайъати адвокати С.Садиевларнинг иштирокида, Усаров Темур Бобожоновицга нисбатан 1-1401-2403/289-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Усаров Темур Бобожоновиц (Usarov Temur Bobojonovich), 1989 йил 20 февраль куни Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам 17.04.2018 йилдаги жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми ва 119-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган; 29.06.2019 йилдаги жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг ажримига кўра, ўталмай қолган 2 йил 3 ой 18 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган; 12.11.2020 йилдаги жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 5 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 46-моддасига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган; 24.08.2021 йилдаги жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг ажримига кўра, ўталмай қолган 8 ой 17 кун озодликни чеклаш жазоси, ЖКнинг 73-моддасига асосан шартли равишда озод қилинган; Самарқанд шаҳар, “Хилол” МФЙ, Марғилон кўчаси, 2-берк кўча, 20-уйда яшаган, эҳтиёт чораси “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ва 2024 йил 09 январь кунидан бошлаб ҳибсда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 01.04.2024 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, томонларнинг музокараси ҳамда судланувчининг



охирги сўзини эшитиб, шунингдек, ишда бўлган далилларга баҳо бериб, куйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Усаров Темур Бобожонович, 2024 йил 09 январь куни соат тахминан 15:00да Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 6-сон ИИБ ЖКБ ходимлари томонидан Самарқанд шаҳар “Оқсарой” МФЙ худудида жойлашган “Бек” меҳмонхонаси олдида ўтказилган “гиёҳвандлик воситаларини назорат остида олиш” тезкор тадбирда шартли харидор сифатида жалб қилинган “Исом” исмли тадбир иштирокчисига 300.000 сўм пуллар эвазига қонунга хилоф равишда озгинадан кўпроқ миқдордаги 1 (бир) граммга тенг бўлган “гашиш” гиёҳвандлик моддасини сотган вақтида ушланиб, ундан 100.000 сўм миқдоридан пуллар ва “Исом” исмли тадбир иштирокчисидан “гашиш” гиёҳвандлик моддаси тегишли тартибда расмийлаштириб олинган..

Самарқанд вилояти ИИБ ЭКБнинг 2024 йил 15 январь кундаги 25-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосасида, Усаров Темур Бобожоновичдан тадбирга харидор сифатида жалб этилган “Исом” номли шахсга сотган бир дона тўқ жигар рангли ўткир ҳидли наша ўсимлиги ҳидига ўхшаш ҳидга эга бўлган модда таркибида гиёҳванд модда тетрогидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда “гашиш” гиёҳвандлик моддаси турига киришлиги, ушбу гашиш гиёҳвандлик моддасининг соф оғирлиги 1 (бир) граммга тенг эканлиги кўрсатилган.

Судланувчи Усаров Темур Бобожонович суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб ўзининг кўрсатувида, у Самарқанд шаҳрида устачилик фаолияти яъни хонадонларни пардозлаш ишларини амалга ошириб келишлигини, тахминан 2014 йил ва 2016 йилларда Россия Федерациясига бориб ишлаб келганлигини, 2016 йилнинг тахминан январь ойларида Россия Федерациясидан депорт бўлиб қайтиб келганлигини, сўнг Самарқанд шаҳрида ўзининг ишларини давом эттириб, устачилик фаолияти билан шуғулланишда давом этганлигини, 2018 йилнинг ёз ойларида маст ҳолатда содир этган жинояти учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми ва 119-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, 3,5 йил муддатга озодликдан маҳрум жазоси тайинланганлигини, у 2018 йилда ЖИЭМда жазо муддатини ўтаётган вақтида Самарқанд шаҳрида яшовчи “Исом” исмли шахс билан танишиб қолганлигини, шу пайтда “Исом” исмли шахс ҳам жазо муддатини ўтаётган бўлганлигини, тахминан бир йилга яқин муддат жазо муддатини ўтаганидан “Исом” билан биргаликда шартли равишда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирилиб биргаликда Самарқанд шаҳрида жазони ўтганлигини, шу пайтларда “Исом” билан яқиндан таниш бўлиб қолганлигини, жазо муддатини ўтаб бўлганидан сўнг у телефон орқали “Исом” билан боғланиб гаплашиб турганлигини, 2024 йил 9 январь куни “Исом” унга телефон орқали нироқ қилиб, соғлиғи ёмонлигини, кўп миқдорда спиртли ичимликлар



истеъмол қилганлиги сабабли соғлиги ёмонлашганлигини, шу сабабли унга озгина “гашиш” гиёҳвандлик воситасини топиб беришлигини сўраганлигини, у муқаддам Россияда ишлаган пайтларида, ўша ердаги фуқаролардан баъзи вақтлари “гашиш” гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишни ўрганганлигини, сўнг баъзи-баъзи вақтларда ўзининг соғлиги учун яъни тушқун кайфиятга тушиб қолган пайтларида, ҳеч кимга билдирмасдан озгина “гашиш” гиёҳвандлик воситасини топиб, чекиш йўли билан истеъмол қилиб турганлигини, охириги пайтларда ушбу одатини ҳам ташлаб чекмай қўйганлигини, аммо ўзида бир неча ой олдин маҳалласида яшаб келган марҳум “Самар” исмли танишидан олиб қўйган озгина “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўзида сақлаб юрганлигини, “Исом” билан телефон орқали гаплашганида, у унга соғлиги ёмонлигини, унга ёрдам беришлигини, озгина ўзининг соғлиги ёмонлашганлиги сабабли истеъмол қилиши учун “гашиш” гиёҳвандлик воситасини сўраганидан сўнг унга танишларидан сўраб қўриб, топишда ёрдам беришлигини, агарда топса, унга хабар беришлигини айтганлигини, 2024 йил 9 январь куни соат тахминан 15:00ларда “Исом”га телефон орқали қўнғироқ қилиб, у сўраган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини топганлигини айтиб, у билан Самарқанд шаҳар “Оқсарой” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Бек” меҳмонхонаси олдида кўришишга келишганлигини, белгиланган жойга бориб, “Исом” исмли шахсга ўзида бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини берганлигини, шу вақтда “Исом” унга 100.000 сўм миқдоридаги пулларни берганлигини, у пулларни олиб кетаётган вақтида, уни ёнига фуқаролик кийимидаги шахслар келишиб, ўзларини ИИБ ходимлари деб таништиришиб, тадбир ўтказилганлигини, тадбирда у “гашиш” гиёҳвандлик воситасини “Исом”га сотганлигини айтганликларини, аммо у ИИБ ходимларига “Исом”га гашиш гиёҳвандлик воситасини сотмаганлигини, унинг ўзи унга эҳтиёжлари учун сарфлашга 100.000 сўм миқдоридаги пулларни берганлигини айтганлигини, сўнг ИИБ ходимлари уни Самарқанд шаҳрида жойлашган 6-сон ИИБга олиб келишганликларини, у ерда ИИБ ходимлари холислар иштирокида уни ёнини шахсий тинтув қилишиб, “Исом” берган 100.000 сўм пулларни топишганликларини, у ИИБ ходимларига бўлган ҳолатни айтиб берганлигини, у “Исом” исмли шахсга гиёҳвандлик воситасини сотмаганлигини, унинг ўзи унга соғлиги ёмонлигини, шу сабабли унга озгина “гашиш” гиёҳвандлик воситасини топиб беришлигини илтимос қилганлиги сабабли унга ўзида бўлган озгина миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини берганлигини, бунинг эвазига “Исом”нинг ўзи унга 100.000 сўм миқдоридаги пулларни берганлигини, у “Исом”га берган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини оғирлигини ҳам қанча эканлигини билмаслигини, у 300.000 сўмга “Исом”га ушбу гиёҳвандлик воситасини сотмаганлигини, балки “Исом”нинг ўзи унга 100.000 сўм пулларни берганлигини, у 2024 йил 09 январь куни “Исом”га берган гашиш гиёҳвандлик воситасини бундан бир неча ой олдин маҳалласида яшаган марҳум “Самар” исмли шахснинг ўзи унга берганлигини, у ушбу гиёҳвандлик воситасини ўзида



хеч кимга билдирмасдан сақлаб келганлигини, у бир маротаба бундан бир неча ой олдин маҳалласида яшовчи “Самар” исмли шахсдан “гашиш” гиёҳвандлик воситасини олганлигини, “Самар” дан ва бошқа бирор бир кишидан гиёҳвандлик воситасини сотиб олмаганлигини, у бундан олдин хеч кимга “гашиш” ёки бошқа турдаги гиёҳвандлик воситаларини сотмаганлигини, “Исом” исмли шахсга ҳам ушбу унга 2024 йил 09 январь куни берган гиёҳвандлик воситасидан ташқари бошқа гиёҳвандлик воситасини бермаганлигини, у баъзи-баъзи вақтлари “гашиш” гиёҳвандлик воситасини хеч кимга билдирмасдан чекиш йўли билан истеъмол қилиб турганлигини, аммо ушбу одатини ҳам тўхтатиб чекмасдан қўйганлигини, шу сабабли “Самар”дан олган ушбу гиёҳвандлик воситасини ўзида хеч кимга бермасдан сақлаб юрганлигини, “Исом” унга соғлиги ёмонлигини айтиб, ундан ёрдам сўраганлиги сабабли унга ушбу гашиш гиёҳвандлик воситасини берганлигини, “Исом” ундан гашиш гиёҳвандлик воситасини топиб беришлигини сўраган пайтда, у “Исом”дан гиёҳвандлик воситаси учун пул сўрамаганлигини, у “Исом”га пул керак эмаслигини, унга ёрдам тариқасида гашиш гиёҳвандлик воситасини топиб беришлигини айтганига қарамасдан, Исом унга пул берганлигини, у “Исом” пулларни чин кўнгилдан бераётган бўлса керак деб ўйлаб пулларни олиб чўнтагига солиб қўйганлигини, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қилмишини оқибатларини англаб етганлиги, келгусида бу ҳолат бошқа такрорламаслигини, оилавий шароити оғирлигини, ота онаси вафот қилганлигини, оиласида икки нафар фарзанд эканлигини, опаси турмушга чиққанлигини, бир ўзи қари бувиси билан бирга яшашлигини, қари бувиси унинг қарамоғида эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан бир имконият бериб қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо беришни баён қилиб берган кўрсатуви;

-гувоҳ Завайдов Азизжон Хикматовичнинг суддаги, 2024 йил 9 январь куни Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 6-сонли ИИБга “Исом” исмли шахс ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида “Усаров Темур” исмли шахс қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланиб келаётганлигини маълум қилиб, уни фош этиш учун ўз ёрдамини таклиф қилганлигини, бундан ташқари фуқаро “Исом” исмли шахс тадбирда ихтиёрий иштирок этиш учун розилик билдирганлигини, сўнг “Исом” исмли шахснинг аризасига асосан раҳбариятдан тегишли тартибда тадбир ўтказиш учун рухсат олинган ҳолда, тадбир ишлаб чиқилганлигини, сўнг холислар иштирокида “Исом” исмли шахс тадбирда ишлатиш учун жами 300.000 сўм миқдоридаги пулларни ёнидан берганлигини, ҳамкасблари билан холислар иштирокида ушбу уч юз минг миқдоридаги пулларни олиб, ушбу пулларни ксеронусхаларини олиб, пулларни тадбирда ишлатиши учун қайтариб “Исом” исмли шахсга берилганлигини, ҳамкасблари билан “Исом” исмли шахсга пулларни бериш ва пулларни ксеронусхаларини олиш бўйича холислар иштирокида баённома мийлаштирилганлигини, сўнг “Исом” исмли шахс телефон орқали “Темур”



исмли шахсга кўнғироқ қилиб, ундан “гашиш” гиёҳвандлик воситасини сотиб олишликни, пулларни тайёрлаганлигини айтганлигини, улар Самарқанд шаҳар “Рудакий” кўчасида кўришишга келишишганликларини, сўнг улар холислар билан биргаликда алоҳида автомашинада, “Исом” исмли шахс эса алоҳида автомашинага ўтириб кетишганликларини, улар уни орқасидан боришганликларини, ҳамкасблари билан биргаликда Рудакий кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб борганларида, ушбу йўлда “Исом” исмли шахс унга олдиндан нотаниш бўлган, кейинчалик билса Усаров Темур билан кўришиб, унга 200.000 сўм миқдоридаги пулларни берганлигини, Т.Усаров пулларни олиб кетганлигини, орадан тахминан ярим соатлар вақт ўтиб, соат тахминан 15:30ларда “Исом” исмли шахс “Даҳбет” ва “Рудакий” кўчалари кесишган чорраҳада жойлашган “Бек” меҳмонхонаси олдида Т.Усаров билан кўришганлигини, “Исом” исмли шахс 100.000 сўм миқдоридаги пулларни Т.Усаровга берганлигини, Т.Усаров эса қўлида қандайдир қора рангли кичик хажмли нарсани “Исом”га берганлигини, шу пайт ҳамкасблари билан Т.Усаровни олдида бориб, унга ўзларини таништириб, унга тадбир ўтказилаётганлигини, тадбирда 300.000 сўм миқдоридаги пуллар эвазига гиёҳвандлик воситасини сотганлигини, шу сабабли тезкор тадбирда ушланганлигини маълум қилиб, атрофда одам кўп тўпланганлиги сабабли тадбир иштирокчилари билан бирга Т.Усаровни 6-сон ИИБга олиб борган вақтларида, “Исом” исмли шахс 300.000 сўм миқдоридаги пуллар эвазига Т.Усаровдан сотиб олган қора рангли юмшоқ шаклдаги моддани ўз хоҳиши билан тақдим қилганлигини, ушбу “гашиш” гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олинганлигини, сўнг холислар иштирокида Т.Усаровни ёни кўздан кечирилганида, унинг ёнидан 2 дона 50.000 сўмлик купюрадаги жами 100.000 миқдорида пуллар чиққанлигини, ушбу 2 дона 50.000 сўмлик купюрадаги жами 100.000 сўм миқдоридаги пуллар билан тадбирда ишлатиш учун “Исом” исмли шахсга берилган пулларнинг ксеронусхалари солиштирилиб кўрилганда, ушбу 2 дона 50.000 сўмлик купюрадаги жами 100.000 сўм пулларнинг серия рақамлари ксеронусхадаги пуллар билан айнан бир хилда эканлиги аниқланганлигини, ушбу пуллар тегишли тартибда холислар иштирокида расмийлаштириб олинганлигини ва баённома тузилганлигини, у Т.Усаровни олдиндан танимаслигини ва у билан келишмовчилиги ёки шахсий адовати бўлмаганлигини, Т.Усаровга нисбатан ИИО ходимлари томонидан бирор бир шаклда руҳий ва жисмоний тарзда тазйиқ ўтказилмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-судда дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ризаев Умеджон Муродовичнинг кўрсатувлари билан;

-шунингдек, судланувчи Т.Усаровнинг айби жиноят иш материалида мавжуд бўлган ҳужжатлар билан, яъни 09.01.2024 йилдаги Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 6-сонли ИИБ ЖҚБ тезкор вакили А.Зувайдовнинг билдиргиси; 09.01.2024 йилдаги тезкор тадбирда ишлатиш учун пул бериш



тўғрисидаги баённомаси ва пулларнинг ксеро нусхалари; 09.01.2024 йилдаги далилий ашёни ўз ихтиёри билан бериш тўғрисидаги баённомаси; 09.01.2024 йилдаги шахсий тинтув ҳамда далилий ашёни олиш тўғрисидаги баённомаси; 09.01.2024 йилдаги № 09-сонли Самарқанд вилояти ИИБ эксперт криминалистика маркази махсус тадқиқотлар бўлинмасининг кимёвий тадқиқот хулосаси; 09.01.2024 йилдаги видео тасвирларни олиш тўғрисидаги далолатномаси ва DVD-R диск; 10.01.2024 йилдаги № 7-сонли амбулатор суд-наркологик экспертизаси далолатномасига кўра, Т.Усаров ЖКнинг 96-моддасига асосан мажбурий даволаш чораларига мухтож эмаслиги кўрсатилган; 11.01.2024 йилдаги № 25-сонли Самарқанд вилояти ИИБ эксперт криминалистика марказининг кимёвий экспертиза хулосаси ва унга илова қилинган фото-жадваллар; 15.02.2024 йилдаги тинтув ўтказиш тўғрисидаги баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадваллар ҳамда DVD-R диск; 22.02.2024 йилдаги DVD-R дискни очиш ва ундаги сўзлашувларни стенограмма қилиш баённомаси ва унга илова қилинган DVD-R диск; 23.02.2024 йилдаги пулларни кўздан кечириш ва таққослаш ҳақидаги баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадваллар; 23.02.2024 йилдаги шахсни фото-суратидан таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси унга илова қилинган фото-жадваллар; 23.02.2024 йилдаги айбилик масаласини ҳал қилмасдан туриб жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақидаги қарор; 23.02.2024 йилдаги ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят иши ҳужжатларига кўшиш тўғрисидаги қарор; 23.02.2024 йилдаги айбига иқrorлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш тўғрисидаги қарор; тушунтириш хатлари; сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиғини топди.

Суд, судланувчи Усаров Темур Бобожоновичнинг гиёҳвандлик воситаларини озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда сотишда ифодаланган жинойий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Усаров Темур Бобожоновичнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, унинг айбига иқrorлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг жиноятни ғаразли ниятда содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этади.

Самарқанд шаҳар прокурорининг 2024 йил 23 февралдаги қарорига кўра, мазкур жиноят иши бўйича судланувчи Т.Усаровнинг айбига иқrorлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳақидаги илтимосномаси қаноатлантирилган ва жиноят иши айблов хулосаси тасдиқланган ҳолда айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув билан бирга судга юборилган.



Суд, судланувчи Усаров Темур Бобожоновичга нисбатан жазо турини ва меъёрини белгилашда, судланувчи Т.Усаровнинг, прокурор ва ҳимоячининг фикрларини эшитиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандидаги “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига ҳамда 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошида мустақамлаб кўйилган “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган юқори эътироф-ли кўрсатмаларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги “жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак” деб кўрсатилган инсонпарварлик принципига риоя қилган ҳолда, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишуви Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 586¹-586⁵-моддалари тартибида тўғри расмийлаштирилган деб ҳисоблайди ҳамда келишув судланувчи Т.Усаров томонидан ихтиёрий равишда тузилганлиги, судланувчи Т.Усаров келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушунганлиги ва оқибатларини англаб етганлигини, келишувни қувватлаётганлигини инобатга олиб, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашни ва уни жамиятдан ажратмасдан туриб ахлоқан тузатишни имконияти мавжуд деган қатъий фикрга келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57, 57²-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда, шахсини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини ва моддий аҳволини, қарамоғида қари бувиси борлигини, унинг ягона боқувчиси эканлигини, Самарқанд шаҳар, “Хилол” МФЙнинг кафиллик хатини, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда гиёҳвандлик воситаси ва турини ҳисобга олиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб ҳам ахлоқан тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни ҳамда ЖКнинг 62-моддасига асосан Т.Усаров томонидан дастлабки қамоқда сақланган кунини тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегиришни лозим деб топди.

Бундан ташқари, судланувчи Т.Усаровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига мувофиқ, унинг келгусида яна қасддан жиноят содир этишининг олдини олиш ҳамда жазони ижро этиш органи томонидан унга тайинланаётган жазонинг ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида озодликни чеклаш давомида муайян



жойларга, яъни (кафе, бар, ресторанларга) бормаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилояти худудини тарк этмаслик каби қўшимча тақиқларни юклашни лозим деб ҳисоблайди.

Шу билан биргаликда, ашёвий далил сифатида эътироф этилган ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси далилий ашёларни сақлаш хонасида сақланаётган, экспертиза тадқиқотидан қолган 0,8 грамм “гашиш” гиёҳвандлик моддаси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилишликни ҳамда тадбир давомида ишлатилган 100.000 сўм пуллар дастлабки тергов вақтида тадбир иштирокчисига қайтариб берилганлигини, тезкор тадбир давомида сўзлашувлар ёзиб олинган бир дона “DVD-R” диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақланаётганлигини инобатга олишни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади -

Ҳ У К М

Самарқанд шаҳар прокурорининг 2024 йил 23 февраль кунндаги мазкур жиноят иши юзасидан айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тасдиқлансин.

Усаров Темур Бобожонович (Usarov Temur Bobojonovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил 6 (олти) муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида судланувчи Усаров Темур Бобожоновични 2024 йил 09 январдан 2024 йил 29 апрель кунига қадар 3 (уч) ой 21 (йигирма бир) кун қамоқда сақланган ҳар бир куни озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, жазо муддатидан чегирилсин ва ўташлик учун 3 (тўрт) йил 2 (икки) ой 9 (тўққиз) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Т.Усаровга Самарқанд шаҳар, “Хилол” МФЙ, Марғилон кўчаси, 2-берк кўча, 20-уйдаги яшаш жойидан кечқурун соат 22:00дан эрталаб соат 06:00га қадар чиқиш чеклансин.

Т.Усаровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига асосан;

-озодликни чеклаш давомида муайян жойларга, яъни (кафе, бар, ресторанларга) бормаслик;

-алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти худудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.



Т.Усаровганинг тақиқларга, (чеклашларга) риюя этиши устидан назорат олиб бориш Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ бошлиғи зиммасига юклатилсин ва жазони ўташ муддати, Т.Усаровга жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Т.Усаровга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва у дарҳол ҳибсдан озод қилиниб ҳамда унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси далилий ашёларни сақлаш хонасида сақланаётган, экспертиза тадқиқотидан қолган 0,8 грамм “гашиш” гиёҳвандлик моддаси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

(имзо)

Ж.Раупов

“Нусхаси аслига тўғри”

